



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ТЕРГОВ ХИЗМАТИНИ ВАЗИФА ВА ФУНКЦИЯЛАРИНИ БЕЛГИЛАНИШНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Шерматов Шерзод Рустамович

ИИБ Академияси магистратураси тингловчиси

ARTICLE INFO

Received: 24th January 2024

Accepted: 30th January 2024

Online: 31th January 2024

KEY WORDS

Тергов, вазифа, функция,
босқичлар, тергов
бўлинмалари.

ABSTRACT

Мақолада ички ишлар органларида тергов хизматини вазифа ва функцияларини белгиланишининг ривожланиш босқичларига бўлиб, соҳа мутахассислари томонидан билдирилган фикрлар таҳлил қилинган.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ташаббуси билан ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида, айниқса, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Шу билан бирга, мамлакатимизда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, суд-тергов соҳасига халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани жорий этиш мақсадида ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш фаолиятида ҳам қатор ислохотлар амалга оширилди.

Ушбу ислохотларни назарий таҳлил қилиш мақсадида ички ишлар органларида тергов хизматини вазифа ва функцияларини белгиланишининг ривожланишини 3 та босқичга бўлиб ўрганишни лозим топдик. Бунда қуйидаги босқичларни ифодаланади.

Биринчи босқич. СССР даври ҳисобланиб, ушбу давр 1917- 1991 йилларни ўз ичига олади. 1917 йилда октябрь воқеаларидан кейинги йилларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида тергов аппарати ҳайъат бўлиб ишловчи кўплаб тергов комиссиялари шаклида тузилган. Тергов комиссиялари советлар ва турли инқилобий трибуналар қошида ишлаган. 1918 йилнинг сентябрь ойида Туркистон марказий ижроия қўмитаси қошида аксил инқилобчилик, олибсотарлик жиноятларига доир ишларни тергов қилувчи ушбу жиноятларга қарши курашиш бўйича Фавқулодда тергов комиссияси таъсис етилган. Комиссия ишларига аксил инқилобий жиноят ишларидан ташқари бандитизм, пул белгиларини қалбакилаштириш каби умумий жиноятларга доир ишлар ҳам киритилган.

1919 йилда собиқ Туркистон АССРда тергов органлари тўла марказлаштирилган. Туркистон АССРнинг 1923 йилги судлов ҳақидаги низомига мувофиқ маъмурий



жиҳатдан суд тизимига бўйсунадиган, прокуратура томонидан бошқариладиган ва назорат қилинадиган Давлат сиёсий бошқарувининг тергов аппарати ташкил етилган.

Ўзбекистоннинг 1926 йилдаги Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ, терговчиларнинг ваколатлари улар бўйсунувчи судларга тегишли бўлган жиноят ишларининг доираси билан белгиланган. Ушбу ваколатлар содир етилган жиноятнинг хусусиятига, унинг жамиятга бўлган таъсирига қараб ажратилган.

1928 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат прокуратураси ташкил етилган пайтдан бошлаб тергов аппарати ташкилий жиҳатдан ҳам, назорат жиҳатдан ҳам прокуратура ихтиёрига берилди бошланди ва прокурор терговнинг раҳбари етиб белгиланган бўлса 1953 йил 27 мартда қабул қилинган Вазирлар Кенгашининг «Жамоат тартибини сақлашни ва жиноятларга қарши курашни кучайтириш чоралари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 1953 йил 20-июлда Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССРда жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш ва жамоат тартибини сақлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Мазкур қарор билан тезкор-қидирув бўлинмалари ходимлари жиноят ишларини тергов қилишдан озод етилган.

СССР Олий Кенгаши Раёсатининг 1963 йил 6 апрелдаги «Жамоат тартибини сақлаш органларига дастлабки терговни олиб бориш ҳуқуқини бериш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Собиқ Иттифоқ, шу жумладан республикаимиз ҳудудида ўша вақтдаги жамоат тартибини сақлаш, ҳозирги ички ишлар органлари тизимида тергов органлари ташкил етилди. 1963 йил 15 апрелда қабул қилинган РСФСР Олий Кенгаши Раёсатининг «РСФСР Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодексига ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, терговчилар томонидан дастлабки тергов олиб бориладиган жиноят турлари белгилаб берилди ва ички ишлар органларида тергов идоралари 1963 йил 1 июльдан бошлаб расмий равишда ўз вазифаларини бажаришга киришди.

Тергов ишларини ташкил етиш ва унга раҳбарлик қилиш Ўзбекистон ССР Жамоат тартибини сақлаш вазирлиги (ҳозирги Ички ишлар вазирлиги) таркибида тергов бошқармаси, Қорақалпоғистон АССР Жамоат тартибини сақлаш вазирлиги, жамоат тартибини сақлаш вилоят бошқармалари, Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси ички ишлар бошқармаси ҳамда йўл ички ишлар бўлимларида тергов бўлимлари ташкил етилди. Туман (шаҳар)ларда ва темир йўл участкаларида тергов бўлинмалари (гуруҳлари) тузилди.

Жиноят-процессуал кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида терговчиларга жиноят ишлари бўйича прокурор рухсати талаб қилинадиган ҳоллардан ташқари барча процессуал қарорларни мустақил равишда қабул қилиш ҳуқуқи берилди.

Назаримизда, ушбу босқичда ички ишлар органдарида тергов хизматинивазифа ва функцияларини белгиланиш масалалари қуйидагиларда номоён бўлади:

Биринчидан, дастлаб тергов комиссиялари советлар ва турли инқилобий трибуналар қошида ишлаган;

Иккинчидан, терговчиларнинг ваколатлари улар бўйсунувчи судларга тегишли бўлган жиноят ишларининг доираси билан белгиланган. Ушбу ваколатлар содир



етилган жиноятнинг хусусиятига, унинг жамиятга бўлган таъсирига қараб ажратилгани;

Учинчидан, терговчиларга жиноят ишлари бўйича прокурор рухсати талаб қилинадиган ҳоллардан ташқари барча процессуал қарорларни мустақил равишда қабул қилиши билан ифодаланади.

Иккинчи босқич. Ушбу босқич **мустақиллик даврини** 1990-2015 йилларни ўз ичига олади. 1990 йил 31 октябрдаги «Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 25 августдаги «Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлигини жумҳурият ҳуқуқий тасарруфига ўтказиш ҳақида»ги Фармонга мувофиқ, 1991 йил 25 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақида»ги 270-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур Қарор асосида Ўзбекистон ССР иттифоқ – республика Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига айлантирилди ва Тергов бошқармаси вазирлик марказий аппарати таркибий тузилиши сифатида белгиланди.

2001 йил 27 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони билан Ички ишлар вазирлиги тизимида мустақилликка эришгандан буён иккинчи маротаба туб ислохотлар амалга оширилди. Ушбу Фармонга мувофиқ, 2001 йил 7 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жиноятчиликка қарши курашишда Ички ишлар вазирлиги тергов бўлинмалари ролини кучайтириш тўғрисида»ги 206-35-сонли қарори қабул қилинди ва Тергов бошқармаси Тергов Бош бошқармасига ўзгартирилди.

2006 йил 17 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тергов Бош бошқармаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-261м-сонли қарори билан Ички ишлар вазири ўринбосари – тергов Бош бошқармаси бошлиғи лавозими жорий етилди.

Фикримизча, ушбу босқичда ички ишлар органларида тергов хизматини вазифа ва функцияларини белгиланиш масалалари қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига айлантирилди ва Тергов бошқармаси вазирлик марказий аппарати таркибий тузилиши сифатида белгилаганлиги лекин ушбу марказий аппаратнинг аниқ вазифа ва функциялари белгиланмагани;

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тергов Бош бошқармаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-261м-сонли қарори билан Ички ишлар вазири ўринбосари – тергов Бош бошқармаси бошлиғи лавозими жорий етилгани билан ифодаланади.

Учинчи босқич. “Янги Ўзбекистон босқичи” 2016 йилдан ҳазирга қадар вақтни ўз ичига олади. Ушбу босқичда яъни 2016 йил 16 сентябрьда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ЎРҚ-407-сонли Қонунига мувофиқ, 2017 йил 10 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар



органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли Фармони қабул қилинди ва Ички ишлар вазирлиги тизимида учинчи маротаба туб ислохотлар амалга оширилди.

Мазкур Фармонга асосан Ички ишлар вазирлиги Тергов Бош бошқармаси вазирлик ҳузуридаги Тергов департаментига айлантирилди. 2017 йил 18 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2898-сонли қарори қабул қилинди. Қарорнинг 1-илоvasи билан 2-боби билан ИИВ Тергов департаментининг асосий вазифалари ва функциялари белгиланиб, булар қуйидагилар ҳисобланади:

Қуйидагилар Тергов департаментининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- жиноятларни тергов қилиш амалиётини комплекс ва тизимли таҳлил қилиш, шу жумладан жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имкон яратадиган шарт-шароитларни аниқлаш, шунингдек уларни бартараф этиш чораларини кўриш;
- ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, жиноятларни ўз вақтида фош этиш, ҳар томонлама, тўла ва холисона тергов қилинишини, суриштирув ва дастлабки терговни юритишда қонунийликка сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, шунингдек тергов бўлинмаларининг кадрлар таркибини шакллантириш ва ходимларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;
- ички ишлар органларининг тергов бўлинмаларига суриштирув ва дастлабки терговни юритишда услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш, шунингдек ўта мураккаб, вилоятлараро хусусиятга эга, республикада шов-шувга сабаб бўлган, шу жумладан уюшган жиноий гуруҳлар ва уюшмалар томонидан содир этилган жиноятларни бевосита тергов қилиш;
- қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳамда суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этишнинг шакл ҳамда услубларини янада такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ Тергов департаменти қуйидаги функцияларни амалга оширади:

- ❖ жиноятларни тергов қилиш амалиётини комплекс ва тизимли таҳлил қилиш, шу жумладан жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имкон яратадиган шарт-шароитларни аниқлаш, шунингдек уларни бартараф этиш чораларини кўриш соҳасида;
- ❖ жиноят ишларини тергов қилиш амалиётини, ички ишлар органларининг тергов бўлинмаларида суриштирув ва дастлабки терговнинг асосий кўрсаткичларини умумлаштириш, таҳлил қилиш, баҳолаш;
- ❖ жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имкон яратадиган шарт-шароитларни аниқлаш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш, шунингдек уларни бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;



- ❖ ички ишлар органларининг тергов бўлинмаларида бошқарув амалиётини ўрганиш, уларнинг фаолиятидаги долзарб муаммоларни ва уларни ҳал этиш йўллари аниқлаш;
- ❖ Ўзбекистон Республикаси ИИБ фаолиятини жорий ва истиқболли режалаштиришда, ички ишлар органлари тергов бўлинмалари ривожланишининг асосий йўналишлари концепцияларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- ❖ тергов бўлинмалари фаолиятининг аҳволи тўғрисида, жиноятларни тергов қилишнинг муаммоли масалалари юзасидан ахборот-таҳлилий маълумотларни тайёрлаш ва тегишли таклифларни Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбариятига киритиш;
- ❖ ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари ваколатига кирувчи масалалари юзасидан ҳисобга олиш, маълумотлар базаси, ахборот тизимларини шакллантириш ва юритишни ташкил этиш ва амалга ошириш;
- ❖ ижобий хорижий ва миллий иш тажрибасини, суриштирув ва дастлабки терговнинг замонавий воситалари, шакллари, усуллари ва тактик услубларини ўрганиш ва амалий фаолиятга жорий этиш;
- ❖ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича профилактик тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш, шу жумладан оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни амалга ошириш;
- ❖ б) ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, жиноятларни ўз вақтида фош этиш, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона тергов қилинишини, суриштирув ва дастлабки терговни юритишда қонунийликка сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, шунингдек тергов бўлинмаларининг кадрлар таркибини шакллантириш ва ходимларнинг малакасини оширишни ташкил этиш соҳасида;
- ❖ жиноятларни ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона тергов қилинишини, жиноят ишлари бўйича суриштирув ва дастлабки терговни юритишда қонунийликка сўзсиз риоя этилишини таъминлашга қаратилган тадбирларни комплекс режалаштиришни ташкил этиш ва амалга ошириш;
- ❖ ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари фаолиятини текширишни ўтказиш, суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этишда аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш ва мазкур чораларнинг амалга оширилишини назорат қилиш;
- ❖ ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари фаолияти устидан процессуал ва идоравий назоратни амалга ошириш;
- ❖ ички ишлар органларининг тергов бўлинмаларида ҳисобга олиш-қайд этиш интизомига риоя этилишини таъминлаш;
- ❖ жиноятлар ҳақидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқишда қонунийликка риоя этилиши бўйича ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари фаолиятини ўрганишни ташкил этиш ва амалга ошириш;
- ❖ ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари томонидан дастлабки терговни тўхтатиш, жиноят ишларини тугатишнинг асослилигини ўрганиш, аниқланган



камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқиш ва уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш;

❖ жиноят содир этганликда айбланаётган шахсларга ўз вақтида қидирув эълон қилиниши устидан назоратни амалга ошириш;

❖ ҳудудий ички ишлар органларида тўхтатилган жиноят ишлари ва ашёвий далилларнинг сақланишини, шунингдек уларнинг ҳисоби тўғри юритилаётганини назорат қилиш;

❖ суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширишда ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни ташкил этиш ва таъминлаш;

❖ Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ хорижий давлатларнинг ваколатли органларидан келиб тушган жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўровлари ижросини ташкил этиш, шунингдек худди шундай сўровларни хорижий давлатларнинг ваколатли органларига юбориш;

❖ хорижий давлатларнинг ваколатли органларига жиноий таъқибни амалга ошириш мақсадида жиноят ишларини ўрнатилган тартибда юбориш, хорижий давлатларнинг ваколатли органлари томонидан юборилган жиноят ишларининг тергов қилинишини таъминлаш;

❖ жиноят-процессуал қонунчилигининг Ўзбекистон Республикасининг жиноий суд ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик масалаларига оид қисми талаблари ижросини таъминлаш;

❖ жиноятларни тергов қилишда ахборот-таҳлил, криминалистика ва тезкор-маълумотлар тизимидан самарали фойдаланишни таъминлаш;

❖ қуйи бўғинлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш, маълумотлар базасини шакллантириш, тергов ҳаракатларини амалга ошириш, далилларни тўплаш мақсадида ички ишлар органлари тергов бўлинмаларининг амалиётига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

❖ ички ишлар органларининг тергов бўлинмаларида ишлашга касбий тайёргарлиги, ахлоқий-психологик, иродали ва маънавий фазилатларга эга бўлган кадрларни танлаб олишни ташкил этиш ва амалга ошириш;

❖ ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари ходимлари ўртасида хизмат интизоми ва қонунийлик бузилиши ҳолатларининг олдини олиш борасида ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш, уларга нисбатан хизмат текширувларини ўтказиш, текширув натижалари бўйича тегишли чоралар кўриш;

❖ ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш, ходимлар касбий тайёргарлигининг юқори даражасини таъминлаш учун ўқитишнинг замонавий технологиялари ва усулларида кенг фойдаланиш;

Ички ишлар органларининг тергов бўлинмаларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш, шунингдек жиноятларни тергов қилишда соҳасида:

▪ ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари фаолияти устидан ташкилий-услубий раҳбарликни амалга ошириш;



- ички ишлар органларининг тергов бўлинмаларига жиноятларни фош этиш ва тергов қилишда амалий ёрдам кўрсатиш, шунингдек суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этиш бўйича услубий ва бошқа материалларни ишлаб чиқиш;
- ўта мураккаб, вилоятлараро хусусиятга эга, шов-шувга сабаб бўлган, шу жумладан уюшган жиноий гуруҳлар ва уюшмалар томонидан содир этилган жиноятларни бевосита тергов қилиш;
- ички ишлар органларининг тергов бўлинмаларига суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириш ва ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш, алоҳида тоифадаги жиноят ишларини назоратдаги иш юритувини олиб бориш;
- ички ишлар органлари тергов бўлинмаларининг суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириш борасидаги фаолияти самарадорлигини таҳлил ва мониторинг қилиш, уни янада ошириш борасида чоралар ишлаб чиқиш;
- ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича таҳлилий материаллар, шунингдек суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этиш бўйича кўрсатмалар тайёрлаш;
- суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этиш масалалари бўйича услубий ва бошқа материалларни ишлаб чиқиш ва ички ишлар органларининг тергов бўлинмаларига тарқатиш;
- г) қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳамда суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этишнинг шакл ҳамда услубларини янада такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:
- суриштирув ва дастлабки тергов масалаларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини бевосита ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- Тергов департаменти фаолияти масалаларига доир Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, шунингдек идоралараро ҳужжатлар ва келишувлар лойиҳаларини ўрнатилган тартибда ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ манфаатдор бўлинмалари билан ҳамкорликда ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- Тергов департаменти фаолияти масалаларига доир Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан хулосаларни тайёрлаш ва тайёрлашда иштирок этиш.
- Тергов департаменти қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки “Янги Ўзбекистон босқичи” ички ишлар органлари тергов фаолиятида самарали ишларни тергов хизматларини вазифа ва функцияларини белгилашда хизмат қилиб келмоқда.

References:

1. 2001 йил 27 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони.



2. 2016 йилдан ҳазирга қадар вақтни ўз ичига олади. Ушбу босқичда яъни 2016 йил 16 сентябрьда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ЎРҚ-407-сонли Қонуни.
3. 2017 йил 10 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли Фармони.
4. 2017 йил 18 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2898-сонли қарори.